

# Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'liida birlashaylik!

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri •  
Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



## БОЛАЛАР МЕҲНАТИ – ЭНДИ БУ ЎТМИШ

Ўзбекистон эришилган натижалар борасида бошқаларга ҳам  
намуна бўла оладиган давлатлар қаторига кирмоқда

Президентимизнинг кучли сиёсий иродаси ҳамда мавжуд муаммоларга тизимили ёндашув асосида кўрилган чоралар махаласидаги сўнгги ўйлардаб мамлакатимизда болалар межнатига ва маҳбу-

рий межнатга батамом барҳам берилди.

Янгиланган Конституциямизда болалар межнатининг бола соглиғига, хавфсизлиғига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф соловчи, шу жум-

ладан, унинг таълим олишига тўйсунлик қуловчи ҳар қандай шакллари тақиқланди.

Соҳада эришилган ютуқлар, шубҳа-

сиз, Ўзбекистондаги истоҳотлар муз-

ваффоқиятининг мухим кўрсаткичи бў-

либ, мамлакатимизнинг ҳалқаро нуфузи

ва ижтимоий-иктисодий тараққёти

суръатлари ўсишида мухим аҳамият

касл этмоқда.



Танлов

### Энг яхши бошланғич таълим ўқитувчisi

1500 нафардан зиёд бошланғич таълим ўқитувчisi қатнашган танловнинг биринчи босқичи онлайн шаклда ташкил этилиб, ўқитувчilar билими тест топшириклари орқали синовдан ўтказилди. Иккинчи босқичда тестдан юқори балл олган 500 нафар ўқитувчи эссе ёди. Учинчى босқичда кўйи босқичларда фаол қатнашганлар билан субҳат ўтказилди. Шу тариқа танловлар аниқланди.

– Ушбу танловдан мақсад бошланғич синф ўқитувчilariga эътибор, уларни келгусида янада фаол бўлишга чорлашdir, – дейди Тъълим ва фан ходимлари касабa уюшмаси Тошкент шаҳar

кенгаши раиси Абдухалил Раҳмонов.

– 294-ИДУМда бошланғич синф ўқитувчisi бўлиб ишлайман, – дейди Норгул Икромова.

– Ушбу танловда биринчи ўрининг лойик кўрилдим. Эътибордан ниҳоятда мамнунман.

«Ёшлар саройи»да танлов ғолиблари ҳамкор ташкилотларнинг диплом, пул мукофотлари, кимматбахо соғвалари билан тақдирланди. 14 нафарига сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилди.

Комила БОЙМУРОДОВА  
«ISHONCH»

### «ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНГА ТЎЛДИ»

Мўйноқ тумани «Жайхун» маҳалласида яшовчи Света Қорабоева табиатан межнатдан қочмайдиган, борига қаноат қиласидаги аёллардан. Аммо охирги йиллarda уни турмуш ташвишлари қаттиқ эзиб қўйди. Боз устига фарзандининг юрагидаги нуқсони борлигини айтмайсизми! Ҳар куни дори-дармон дегандек...



Сейтжанова ҳам «Аёллар дафтари»га рўйхатга олингач, давлатдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини бошлади. Гап шундаки, у ушбу сармояга сувни тозаловчи махсус ускуна сотиб олди. Хозир аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаб келмоқда. Бунинг ортидан хонадонига файз-барака кирди.

Фотима АБДУРАИМОВА  
«ISHONCH»

12  
июнь

Бутунжоҳон  
болалар  
межнатига  
қарши  
курашиб  
куни

Бу сана 2002 йилда Ҳалқаро межнат ташкилоти (ХМТ) томонидан болалар мажсадида таъсис этилган барҳам бериш заруриятига эътиборни қартиш максадида таъсис этилган.



Хоразм вилояти

Тадбир



Унда мамлакатимизда келажак эгалари нинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб вояга етишлари учун яратилган шарт-шароитлар, хусусан, болалар межнатининг олдини олиш борасида амала оширилаётган ишлар хақида сўз борди.

Шундан сўнг оромгоҳда дам олаётган 125 нафар ўғил-қызга касабa уюшмалари совалари тарқатиди. Республика чемпионлари бўлган ёш спортчилар билан учрашув савол-жавобларга бой бўлди. Санъаткорлар иштироқидаги концерт дастурида болажонлар яйраб рақсга тушдилар.

Сана муносабати билан ташкил этилган расм чизири, шахмат-шашка мусобақаларида болажонлар фаол қатнашилар. Тадбир доирасида қилинган танловлар голиблари касабa уюшмаларининг соваллари билан тақдирландилар.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА  
«ISHONCH»



Жиззах вилояти

Зафарободлик Бобур Тоҷибоев ҳақ-хуқуқини тиклаш мақсадида мутасадди органларга тегишили тартибида мурожаат йўлади.

Касабa уюшма аралашгач...

Нафақа пули тўлаб берилди



Аризанинг қисқача мазмuni шундан иборат эди: У 2020 йилнинг 1 августидан «XIN HONG Li» МЧЖ шаклидаги қўшимча корхонада юқ ортувчи бўлиб межнат қилган. Аммо 2022 йилнинг 16 апрелида баҳтисиз ходисага учраб, оғир тан жароҳат олган. Фалокат ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолат, дея баҳоланиб, Н-1 шаклдаги далолатнома расмийлаштирилган. Шундан сўнг 34-сонли Дўстлик туманлараро ТМЭКнинг 2022 йил 18 октябрдаги 000322-сонли хulosasi билан унга учинчи гурӯҳ ногирони, яъни 20 физий межнат фаoliyatiни йўқотганлик дараси белгиланган.

Шунга қарамай, «Ўзбекинвест» сугурта компанияси Бобур Тоҷибоевга 39 999 477 ўттиз тўқиз миллион тўқиз юз тўқсон тўқиз минг турт юз етимиш эти) сўм нафақа пулни ўз вақтида тўлаб бермаган.

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши мутахассислари мазкур масала юзасидан сугурта компанияси раҳбарияти билан музокара олиб борди ва аризачининг муддаоси қаноатлантирилиб, нафақа пуллари тўлиқ тўлаб берилди.

А.БУРХОНОВ,

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси  
Жиззах вилояти кенгаши межнатини мухофаза  
қилиш хизмати етакчи мутахассиси



## Таассуротлар бир олам

Риштон туманинда «Риштон» оромгоҳи биринчи мавсумда 120 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олди. Бу ерда кичкитойларнинг билим ва маҳоратларини ошириш учун ёш дастурчи, инглиз тили, футбол, шахмат-шашка, стол тениси, волейбол каби тұ-гараклар ташкил этилган. Үқувчи ўшлар ўзларини қизиқтирган жабхаларда фаол қатнашиб, билимларини мустаҳкамлаш имконига эга бўлишмоқда.



— Оромгоҳ спорт инвентарлари, компютер жамланмалари, телевизор каби бир қатор зарурий воситалар билан таъминланди, — дейди Болаларни дам олдириш ва согломлаштириш департаментининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Расулжон Рахимов.

— Болаларнинг мароқли ҳордик чиқариши учун барча шароитлар яратилди, — кўшимча қиласи оромгоҳ раҳбари Шуҳратжон Муяссаров. — Ошхона стол-стуллари, ёткоҳонадаги кроватларнинг барчаси янгиланди. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизнинг ҳар бир куни мазмунли ва таассуротларга бой ўтиши учун барча имкониятлар ишга солинди.

— Оромгоҳа биринчи марта келишим, — дейди Моҳларойим Темирова. — Китоб ўқишини яхши кўрганим боис, дастлаб кутубхонага йўл олдим. Бу ердан ўзимга ёқсан асраларни олиб ўқияпман.

Оромгоҳда болалар кунига тўрт мажал витаминаларга бой таомлар билан овқатлантирилади. Тиббиёт хонаси дори-дармонлар билан таъминланган. Ўғил-қизларнинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан чиникишлари учун малақали тарбиячилар, етакчилар, спорт мураббийлари жалб қилинган.

Жамшид ЭРГАШЕВ  
«ISHONCH»



## Ёзи согломлаштириш



Қарақалпоғистон Республикаси  
Тўрткўл туманинда «Оқ кабутар» болалар дам олиш маскани 160 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олди.



## «ОҚ КАБУТАР»ДА БОЛАЛАР...

— Дам олиш масканимизда рассомчилик, шахмат-шашка, тикувчилик сингари ўндан ортиқ тўгарак мавжуд, — дейди оромгоҳ тарбиячиси Гулёра Собурова.

Фотима АБДУРАИМОВА  
«ISHONCH»

Кумкўрғон туманинда 27-мактабда ташкил этилган «Болажон» кундузги мактаболди согломлаштириш майдончасида дам олган 120 нафар ўғил-қиз учун ҳомийлар ва мактаб маъмурияти саъй-ҳаракати билан ҳар бир куннинг мазмунли ўтиши таъминланди.

— Ўн кун мобайнида ўқувчи-шашлар билан турил кўнгилочар, маърифий тадбирлар уюштирилди, — дейди Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Кумкўрғон тумани кенгаши раиси Норхўжа Абдуллаев. — Тўгараклар, қизиқарли ўйинлар, айниқса, оромгоҳ билан танишув, спорт, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ва «Сен туғилган кун» тадбирлари болажонларга жуда манзур бўлди. Шунингдек, 23-мактаб, 11- ва 14-айрим фанларни чукур ўқитишига ихтиослаштирилган мактаб-интернатлар қошида фаолият кўрсатадиган мактаболди согломлаштириш майдончаларимизда ҳам болажонлар мароқли ҳордик чиқаришди.

Термиз туманинда 16-мактаб қошида ташкил этилган «Жайхун» кундузги мактаболди согломлаштириш майдончаси 100 нафар 4-синдо ўғил-қизларни бағрига олган. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар нафақат болажонларга, балки уларнинг ота-оналарига ҳам хуш ёди. Теварак-атроф саранжом-сарышта, соя-салқин, хушҷаво. Кези келгандан, болаларнинг кўнгилли ҳордик чиқаришлари учун етариш шароит яратишда таъкидига киради.

Мавсум марокли ўтмокда

— «Ёш техниклар», «Ёш мусавиirlar» тўғараги раҳбарлари томонидан уюштирилган танловлар, «Спорт – тинчлик элчиси» шири остидаги мусобақалар, тарихий обидаларга саёҳат таассуратлари, «Этраплар – яхшилик етаклар» каби мавзуулардаги тадбирлар, Ал Ҳаким ат-Термизий зиёраттохи, Термиз ҳайвонот боти ва вилоят ўлашашунослик музейларига уюштирилган саёҳатлар болажонларимизда катта тассуротлар қолдирди, — дейди «Жайхун» кундузги мактаболди согломлаштириш майдончаси директори Акмал Жовлиев.

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятида мактаблар қошидаги кундузги согломлаштириш майдончаларидан ташқари жорий йилнинг 10 июнидан этиборан төг ён-бағириларидаги «Бешбулук», «Хонжиз», «Жануб гавҳар», «Амударё» каби 9 та оромгоҳ фаолиятини бошлади. Бир сўз билан айтганда, Сурхон воҳасининг 7200 нафар ўқувчи ўшлари сўлим тоғлар бағрида мириқиб дам олиб, табиатнинг беҳтаринийида майдончаларидан баҳраманд бўлишиади.

Рустам ДАВЛАТОВ  
«ISHONCH»

## Мавсум марокли ўтмокда

Ёзи таътил ўғил-қизларнинг бир умр ёдидаги қоладиган ҳаяжонли воқеаларга бой бўлмоқда. Буни мактаблар қошида уюштирилган кундузги мактаболди согломлаштириш майдончаларида ҳордик чиқараётган болажонларнинг шодон кайфияти ҳам тасдиқлаб турибди.

Кумкўрғон туманинда 27-мактабда ташкил этилган «Болажон» кундузги мактаболди согломлаштириш майдончасида дам олган 120 нафар ўғил-қиз учун ҳомийлар ва мактаб маъмурияти саъй-ҳаракати билан ҳар бир куннинг мазмунли ўтиши таъминланди.

— Ўн кун мобайнида ўқувчи-шашлар билан турил кўнгилочар, маърифий тадбирлар уюштирилди, — дейди Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Кумкўрғон тумани кенгаши раиси Норхўжа Абдуллаев. — Тўгараклар, қизиқарли ўйинлар, айниқса, оромгоҳ билан танишув, спорт, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ва «Сен туғилган кун» тадбирлари болажонларга жуда манзур бўлди. Шунингдек, 23-мактаб, 11- ва 14-айрим фанларни чукур ўқитишига ихтиослаштирилган мактаб-интернатлар қошида фаолият кўрсатадиган мактаболди согломлаштириш майдончаларимизда ҳам болажонлар мароқли ҳордик чиқаришди.

Термиз туманинда 16-мактаб қошида ташкил этилган «Жайхун» кундузги мактаболди согломлаштириш майдончаси 100 нафар 4-синдо ўғил-қизларни бағрига олган. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар нафақат болажонларга, балки уларнинг ота-оналарига ҳам хуш ёди. Теварак-атроф саранжом-сарышта, соя-салқин, хушҷаво. Кези келгандан, болаларнинг кўнгилли ҳордик чиқаришлари учун етариш шароит яратишда таъкидига киради.



Жиззах вилояти

## Ҳар томонлама фойдали бўлди

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Мирзачўл тумани кенгаши томонидан мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган бошланғич қасаба уюшма аъзолари иштироқида амалий семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасинын янги таҳрирдаги Конституцияси, Мехнат кодексининг мазмун-моҳияти ва жамоа шартномалари тузиш ҳамда меҳнатни муҳофаза килини хусусида сўз юритилган семинарда Узбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг

Жиззах вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Икром Жабборов, юрист Сардор Мўминжонов, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Мирзачўл тумани кенгаши раиси Мурод Беккулов, шунингдек, 20 нафардан ортиқ соҳа ходими қатнашди.

Тадбирда соҳа мута-



хассислари томонидан тартибида киритилган масалалар юзасидан маърузалар тингланиб, иштирокчиларнинг саволла-

рига муфассал жавоб қайтарилди.

Муқимбай ИСМОИЛОВ  
«ISHONCH»

## Семинар



## Роҳат опанинг фароғатли кунлари

Роҳат Рўзиеванинг Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳамширилик қилаётганига 30 йилдан ошиди.

Сеҳрли кўл ва меҳрли сўз соҳибаси бўлган бу аёл ўз ишига шунчалик шўнгигб кетганидан ўтиз 30 йил мобайнида бирор марта санаторийда дам олмаган экан.

Қасаба уюшмалари томонидан вилоятдаги беш нафар ҳамширага «Қашқадарё соҳили» санаторийсига белуп йўлланма тақдим этилди. Улар орасида Роҳат опа ҳам бор.

— Муолажалар беиз кетмади, — дейди Роҳат опа. — Бутунлай бощқа одамга айлангандек бўлдим. Ўзим тиббиёт ходими эмасмани, сиҳатоҳдаги дам олувчилардаги ўзғаришлар этиборми тараверди. Масалан, гузорлик Маствуа Фармонова билан танишдим. У келган кунни умуртка чуррасининг асоратлари сабаб базўр энкайб юради. Олиб борилган физиотерапик муолажалардан сўнг қарангки, дугонам мусикя кўйилган чоғларда қарсиллатиб рақсга туша бошлади. Қадди ҳам тикланди, гап-сўлари тетиклашиди.

Бундан ташқари, йекабоғдаги «Саховат» кексалар ва ногиронлар интэрнат уйидан келиб, саккиз нафар фахрий дам олётган экан. Бўш вақтимда улар билан ҳам сухбатлашди. Барчасининг қайфияти кўтарикин. Кексалардаги ижобий ўзғаришлардан куондим...

Ҳа, соҳанинг ҳақиқий жонкуяри, деб Роҳат опани айтса бўларкан. Тузалаётган беморни кўрса, гарчи дам олишга келган бўлса ҳам суюнаверади, кўнгли тасқин топади...

Акмал АБДИЕВ  
«ISHONCH»

## Бошланғичларга амалий кўмак

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши томонидан тизимдаги бошланғич қасаба уюшма кўмиталари раислари ва иш берувчилар иштироқида айтказилди.

Наманган шаҳридаги 71-соний мактабгача таълим ташкилотида уюштирилган «Қасаба уюшмаси органлари фаолияти» Устав таъблари бўйича ташкил этиш мавзусидаги семинарда мактабгача таълим ташкилотида ишловчи ходимлар ва болажонлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда мусассаса қасаба уюшма кўмитаси фаолияти, иш хужжатлари билан яқиндан танишдилар.

Семинар ҳар ойнинг иккинчи сесанба куни



«Бошланғич қасаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам бериш куни» деб эълон қилингани, амалий ёрдам бериш жараёнларидаги асосий эътиборни қасаба уюшмалари фаолиятини яхшилашга

қаратилганилиги ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилди. Шунингдек, ўкув-семинарда бошланғичлар билан даражасини кенгайтириш, ходимлар билан иш берувчи ўтасида мактабгача таълимни таъминлаштириш, қонунчилик талабларининг бузилмаслигига, ходимлардан тушаётган мурожаатларни ўз вақтида қонуний тарзда ҳал этилишини таъминлаш, тиббий кўрикдан ўтказиш, меҳнат муҳофазаси масалалари бораисида фикр алмашдилар.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Лутфиддин Фаниев ҳамда Наманган шаҳар мактабгача ва мактаб таълимни бўйими мудири Исломжон Сайфутдинов қасаба уюшмаси фаолиятини янада яхшилаш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий шериклик тамоилии асосида иш олиб борисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиридилар.

Тадбир якунида бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари раислари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишидagi ҳамда уларга кенгаши услубий кўйлланмалар тарқатилди.

Акмал УМАРОВ,  
Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси



# Бир умрга муҳрланган тотли лаҳзалар

...Улар уч кун Бўстонликинг гўзл манзараларидан баҳраманд бўлишиди. Пурвиқор тоғлар ҳайбатидан ҳайратланиши, сўйим боғлар тароватига маҳлиё бокиши. «Livingstone» дам олиш масканида ҳордик чиқариши, саломатликларини тикилаши. Айниқса, «Чиноркент» дор йўлига қилинган саёҳат уларда катта таассусот қолдириди.

Улар Оролбўйдан минг километр ўйл босиб келишган. Улар Корақалпогистон Республикасидаги маҳаллалар фаоллари. Улар «Аёллар дафтири»да шизжоат кўрсатишган, маҳалладошларининг муаммоларини ўзлариники билишган, уларга кўймадон бўлишга ҳаракат қилишган, юртнинг дардини ўзининг дарди деб билишган ҳақиқий жонифдо аёллар!

Тоғнинг энг баланд чўққисига чиқиб, эсадлик учун сурга тушган аёллар бир умрга муҳрланадиган хотиралар ва саёҳат таасусотлари ҳақида тўлқинланаб сўзладилар.


— Саёҳатни ташкил этган касаба юшомаларига катта раҳмат, — деди Беруний туманин «Лолазор» маҳалласи фаоли Тамара Екубова. — Пойтактадаги кўн жойларни сайр қўйдик, тошкентнинг энг сўйим боғларида бўлдик, Бўстонлика келиб ҳам ҳали чарчиқни сезмаямиз.

Мана бугун улар меҳнатларро роҳнатни кўришмоқда. Диллар йиради, руҳлар тин олди. Қалблар мъянан кучга тўлди.

Аммо улар шу лаҳзаларда ҳам ўз ишларини унутмадилар. Бир-бирига тажрибаларини сўзлаб беришиди. Шу билан бирга, гўзл маскандан янги билимларга ҳам эга бўлишиди. Кам таъминланган ва этиёжманд хотин-қизларни ижтимоий кўйлаб-кувватлаш, жумладан, «Аёллар дафтири» тизимишини юритиш мавзусида ташкил этилган семинарда иштирок этиб, маҳалларини оширидилар.

Оқшомлар янада файзиёб кечди. Улар учун эл севган санъаткорларининг максус концерт дастурлари намоиш қилинди. Кўй-кўшикларда уларнинг сұхбатларида ҳам бу фикрлар кўп тақрорланажак.

Мадина ПЎЛАТ қизи  
«ISHONCH»  
Эъзоза УМРЗОҚОВА фото лаҳзалари



## Ибрат ТОМЧИДА ҲАЁТ АКС ЭТАР

**Б**у сурат тасодиф маҳсули. Унда айни туш палласи таҳрият деразаси ёнида совуткич тирқишидан оқаётган обиҳаётдан кабутарнинг ташналигини қондираётган лаҳзаси муҳрланган.

Аслида бу ҳолдан катта маъною қидириш шарт эмасдири. Аммо бугун бутун дунёда сув танқислиги кучайётгани ҳақида бонг урилаётган бир пайтда унда қандайдир ибратга чорлов бордек, назаримизда.

Рост-да. Аҳолининг табиий ўсиши ва сув истеъмоли кўпайishi, икlim ўзгаришлари сабаб аномал иссиқ икlim эндилиқда чор-ночор қўнишишимиз шарт бўйлан мөъёрга айланаб бормоқда. Ҳали саратон бошланмаган бўлса-да, ҳозирданоқ кун «ёндирияпти». Неки жонзор борки, соя-салқин истаб қолди. Жумладан, ўзимиз ҳам, мана шу күш ҳам...

Унинг дераза раҳида бизга боқсанча ютоқиб-ютоқиб сув ичишида шундай киши билмас хитоб мұжассамдек гўё: сув бебаҳо неъмат! Уни борида қадрлант!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ фото лаҳзали

Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!

Таассуф



## ФОТОҲИСОБОТ УЧУН ЭКИЛГАН НИҲОЛЛАР

ёхуд қуриган арчалар учун  
ким жавоб беради?

Эко муаммоларни ҳал қилиш ёхуд муаммоларнинг авж олиб кетишида, албатта, оддий халқдан кўра, масъулларнинг ўрни катта. Бугун мамлакатимизда мутасаддилар олиб бораётган кўкаламзорлаштириш ишлари қанчалик пухта ва самарали? Кўкаламзорлаштириш бўйича ура-урачилик фонида бериладётган ҳиботлар ўзини оқлаяптими?

Ўтган йили тегишли фармонга кўра, 2022-2024 йилларда Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятларда «яшил бўғ»ларни барпо этиш дастури ишлаб чиқилганди. Дастур асосида турли худудларга турфа кўчатлар экилмоқда. Уларнинг аксари арча кўчатлар. Фақат арча тоф ва тоголди худудлар иклимига мослашган. Бу каби худудларда арча униб ўсиши учун керакли озиқ моддалар мавжуд. Лекин республикамиздаги аксар ҳудудлари иклими арча учун тўғри келмайди. Шунга қарамай, об-ҳавоси арча учун мос бўймаган худудларга, хусусан, Сирдарё, Бекобод туманларида арча экиш кампанияси авж олган. МФЙлар ва ёқилги кўйиш шоҳобаси ҳамда йўл четларига арчалар экилмоқда.

Оқибатда экилган ниҳоилар кўп ўтмай куриб нобуд бўлган. Ахабланарлиси, қуриган кўчат ўрнига қайта яна арча экиб кетилаверади. Фотоҳисобот топшириш учун амалга оширилалтган бу ишлар бюджетта неча пулга тушапти? Дастур бўйича давлат бюджетидаган кўкаламзорлаштириш учун ажратилган ва сарфланётган маблаг – 64 миллион 880 минг сўм. Хўш, бехуда суворилаётган маблагларга ким жавоб беради? Униб-ўスマйдиган кўчатларни қайта-қайта экишдан нима наф? Масъулларимиз мутахассислар билан келишиб, Ўзбекистон иклимига мос бўлган чинор, терак, эман каби дарахтларни экишса, фойдалариок бўлар, балки!

Диёра РАВШАНОВА  
«ISHONCH»



## Фарғона вилояти КАТТА ТАГОБНИНГ ТАШРИФ ҚОФОЗИ



Ўзбекистон туманининг Катта Тагоб қишлоғи аҳолисининг асосий даромади боғдорчилик ва томорқадан. Ушбу қишлоғда мингдан ортиқ хўжаликда 4 минг 600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиласди.

Катта тагобликлар чин мъянода боғдорчилик ҳадисини олган миришкор дехқонларидир. Қай бир хонадонга кирман, шигиф ҳосил туккан меваларга кўзингиз тушади. Айниқса, қишлоқнинг ташриф қоғозига айланган гилоснинг «Самарқанд», «Баҳор», «Тошкент» каби навлари етиширили, маҳаллий бозорларга, шу билан бирга, жаҳон бозорларида ҳам олиб чиқиб сотилиди.

— Маҳалламизда томорқасида гилосзори бўлмаган хонадон деярли йўқ. Азалдан шу ишнинг ҳадисини олганимиз. Сўнгги йилларда гилосдан ташқари бодом етиширишни ҳам кени йўлга кўйдик. Меваларимизнинг аксарияти чет давлатларга экспортга йўналтирилади. Бу йилги мавсум бошида «Самарқанд» гилоснинг 1 килосини 100 минг сўмдан сотишни бошладик. Айни кунларда эса энг ками 30 минг сўмдан 80 минг сўмгачча топшириялимиз, — дейди миришкор бобон Дилмуроджон Қодиров, — 50 сотих томорқамизда 200 тупдан зиёд гилос бор. Утган йилги ҳарахатлардан ташқари 60 миллион сўм даромад олганман. Қўз тегмасин, бу йил ҳам ҳосил сероб.

Катта Тагобнинг ҳар бир хўжалигига ҳозир айни иш қизигин пайт. Ҳосил териб олини, сараланмоқда. Кутлиларга жойланган гилос бозорга пешма-пеш чиқарилмоқда. Хорик мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Сирасин айтганда, боғдорчилар ва томорқамиздан унумли фойдаланаётган соҳибкор қишлоқ аҳли меҳнатлари роҳатини кўрмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ  
«ISHONCH»



Мутахассис  
маслаҳати

Ёз фаслиниң  
иссиқ кунлари  
ҳам бошланди.  
Иқлимшунос-  
лар бу йил ҳа-  
порат юқори  
даражада бў-  
лишини ай-  
тишмоқда.  
Июн ойи ўр-  
тacha иссиқ об-  
ҳаво билан ўт-  
моқда. Уму-  
ман олганда,  
июн ойи ҳа-  
порати меъёр-  
дан 2-3 даражада  
ортиқ кечади.

Хўш, бундай ик-  
лиmda нима қилиш  
керак?

Мутахассислар  
бу борада бир қа-  
тор тавсияларни бе-  
ради:

**Кўпроқ сув  
ичиш**  
Тўғри сув ичиш тартиби ор-  
ганизм фаолиятининг яхши  
ишлashi ва сув-туз балansini  
мөбъельштиришига қулаи ша-  
роитлар туғдиради. Шу сабаб  
иссиқ кунда сув истеъмолини  
кўпайтириш керак.

**Кўёшда юрманг**  
Энг иссиқ пайдада – соат  
12:00дан 16:00 гача, зарурат  
бўймас, кўчага чиқмаслик, ай-  
ниқса, кўёш тифида юрмасликка  
ҳаракат қилиш лозим. Демак,  
кун режасини айнан шунга му-  
вофиқ ташкил этиш зарур.

**Кўпроқ душ  
қабул қилинг**  
Мунтазам равишда тоза-  
ланиш тананинг эркин нафас  
олишига ёрдам беради. Бунда  
сув хона ҳарорати даражасида  
бўлиши керак.

**Таомномани  
ўзгаришинг**  
Иссиқ кунда кўпроқ со-  
вук, таомлар истеъмол қилган  
маъқул. Ёғли сут ва гўшт маҳ-  
сулотларни камроқ тановул  
қилиш керак. Рационад саб-  
затларни кўпайтириш мақ-  
садга мувофиқ.

**Кийимларга  
эътиборли бўлинг**  
Жумладан, синтетик мато-  
дан тайёрланган кийимларни  
киймасликка ҳаракат қилиш  
керак. Салқин бosh кийим-  
ларни кийишни канда қил-  
маслик лозим. Чунки офтоб  
уриши асосан бosh қизигданда  
садир бўлади.

Халқимизда бир нақл бор:  
ўзини асраргани худо асрайди.  
Демак, жазирамадан сақла-  
ниш учун бирор эътиборли  
бўлсак, кифоя.

**ЎзджиТУ талабаси  
Азиза АКТАМОВА**  
тайёрлади

**Эълонлар**  
2020 йил 25 сентябрда Ўзбекистон  
Республикаси Адлия вазирлиги  
томонидан «INTERLEX LAW FIRM»-  
адвокати фирмаси адвокати болтаев  
Элёр Эламанович номига берилган  
№1917 роқами гувоҳнома йўқол-  
гани сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*

Тошкент вилояти, Тошкент тумани,  
Келес шахараси, Фаронон-  
лик кўчасида жойлашган «ОРТ  
SAVO METALL» (ИНН: 306669475)  
масъулият чекланган жамияти  
йилишишининг 1-сонли баённома-  
сига асосан тутагтишини мъалум  
қилиди.

Даъваворлар эълон чиқсан кун-  
дан бошлаб бир ой давомида  
+9989977361937 телефон рақами  
орқали кабул қилинади.

2002 йил 10 апрелда Азгас-  
мов Атҳам номига берилган №01-  
01/18840 роқами давлат далолат-  
номаси йўқолганилиги сабабли бе-  
кор қилинади.

## ◆ Мавзуга доир маълумот:

Шу йилнинг 13 апрелида қабул  
килинган «2023 йилда бозор та-  
мойиллари асосланган ипотека  
кредитлари орқали аҳолини уй-  
жой билан таъминлаш дастурини  
амалга ошириш чора-тадбирлари  
тўғрисида»ги Президент фармони  
билин субсидия ажратиш жараё-  
нига қўйдаги ўзгаришлар кири-  
тилган эди:

Субсидия тақдим этиш тўғрисидаги ха-  
барнома олинган вақтдан бошлаб 4 ой  
ичида амал қиласди, бу муддат тугагандан  
сўнг қайта ариза берилиши мумкин;  
Субсидия олиш учун бир календарь  
йилда иккى марта ариза бериш бўйича  
белгиланган чекловлар бекор қилинди,  
рад этилган аризаларга 1 декабрга қа-  
дар қайта ариза юбориш мумкин.  
Субсидия олиш учун аризани аҳоли  
баандлигига кўмаклаши марказлари,  
Давлат кадастрлари палатасининг ху-  
дудий бошқармалари, Ёшлар ишлари  
агентлиги бўлимлари ва туман (шахар)  
ҳокимлиги томонидан кўриб чиқиш  
тартиби бекор қилинган.

Бунда мазкур ташкилотларнинг маълу-  
мотлари subsidiya.idm.uz дастурий таъ-  
миноти орқали автоматик тарзда шакл-  
лантирилади.

**Субсидия ажратиш мақсадида**  
**уй-жойга муҳтоҷ фуқароларни**  
**аниқлашнинг ижтимоий мезонлари**  
**доирасида қўйдагилар ижтимоий**  
**химояга муҳтоҷ бўлган айrim**  
**шахслар тоифасига киритилиди:**  
ёш оиласар, шу жумладан, 30 ёшдан  
ошмаган фуқаролар;  
олис ва чекка ҳудудлардаги бюджет  
ташкилотлariга бошқа ҳудудлардан  
ишлаш учун келган олий маълумотли  
мутахассислар ва тиббиёт ходимлари.  
Шунингдек, 2023 йил 1 январдан уй-  
жой учун субсидия берилган фуқаро-  
ларнинг ипотека кредитлари ва улар-  
нинг фоизлари учун йўналтирилган иш  
ҳақи ва бошқа даромадлари даромад  
солиғига тортилмайди.

**Дунёда имконияти чекланганига қа-  
рамай, сабр-матонати ва тиним-  
сиз саъъ-ҳаракатлari өвазига турли**  
**соҳаларда салмоқли ютуқларга эри-**  
**шаётган инсонлар кўп. Бизнинг мам-  
лакатимизда ҳам бундай кишиларга**  
**бор имкониятлардан унумли фойда-  
ланишилари, иқтидорлари ва салоҳи-  
ятларини намоён этишилари учун**  
**зарур шарт-шароитлар ва қулаи-  
ликлар яратиб берилмоқда. Нати-  
жаси чакки бўлмаётir. Улар ўзарига**  
**билдирилган ишончни оқляяптилар,**  
**тўрт мучаси соғ кишилар қатори ҳа-  
ло мөҳнат қилиб, эл-юрт фаронон-  
лигига ва жамият равнақига баҳоли**  
**қудрат ҳисса қўшајаптилар.**

Пара таэквондо бўйича иккى  
карра Ўзбекистон чемпиони Зарина-  
бону Мадраҳимова ҳам ана шундай  
ҳаморларимиздан бири. У Андикон  
туманинада адирликлардан иборат  
сўлим табиат бағрида ўсиб-ултаган.  
Мактабни битиргач, Андикон дав-  
лат университетининг чет тиллар фар-  
культидати инглиз тили ва адабиёти  
йўналиши бўйича таҳсил олган. Ҳозир  
эса, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети магистратурасининг  
1-босқич талабаси. Вилоят ҳокими  
стипендияси ҳамда Навоийномидаги  
давлат стипендиаси соҳибаси. Ин-  
глизча ва французчани мухаммал би-  
лади. Имконияти чекланган бўлса-да,  
ҳеч кимнинг кўмагига муҳтоҷ бўймай,  
мустақил ҳаракатланётганини ўзи  
учун энг катта баҳт ҳисоблайди.

– Ёшлигимда бошқалар учун осон  
бўлган ишлар менга машаққатли эди,  
– дейди у. – Шунга қарамай, ойим уй  
юмушларини бажаришимни тайин-  
лаб, ишга кетарди. Мен уларни қайната-  
либ ёзғора уddyалардим, гоҳида йиғлаб  
ҳам олардим. Табиийки, «Нега аҳво-  
лимни била туриб, мени қийнайди?»  
деб, ойимдан хафҳам бўйлардим.  
Кейин билсам, ойим менинг фой-  
дамини кўзлаб, меҳнати кўнисин, би-  
рор юмуш билан овансин деб, атай  
шундай йўл тутган экан...

Бинобарин, Заринабонунинг ҳаёт  
учун кураши оддий рўзгор ишла-  
рини адо этишдан бошланди. Кейин



Иқтисодиёт ва молия вазирлигига!

# «Субсидия чикди, аммо уй тополмаяпмиз!»

ёхуд тизимдаги сарсонгарчиликлар қачон барҳам топади?

Кўриб турганингиздек, фармон билан субсидия бўйича бир қатор енгилликлар берилмоқда, аммо суб-  
сидия олиб, уй олишгача бўлган жараёнларда ҳамон қийинилларидан учрамоқда.

– Уй-жойга этмиёқимз бўлгани боис субсидияга топширгандик, – дейди пойтатхтда яшовчи Лобар Ҳайруллаева. – Қўлиниздаги хужжат билан бир нечта уй сотадиган ташкилотлар билан боғландик. Аммо кредиттаги ўй бор, субсидияга ўй. Субсидияга чиқадиган уйлар жудамат қиммат нарҳда баҳоланмоқда. Субсидия миқдори 416 миллион сўмдан ош-  
маслиги зарур ва бу нарҳга Тошкентдан уй топши амримаҳол. Тошкентнинг энг чекка ҳудудларидан субсидия асосида олиш мумкин, аммо харидорнинг ҳуқуқлари қават ташлаш борасида чекланган. Субсидиямиз муддати тугамасидан олдин тезроқ ўй топшишимиз зарур. Ҳозир ягона ташвишишим ўй.

Аҳолининг уйга бўлган этиёёжи юқори бўлгани сабабли факат Тошкент шаҳрида уй топишу муммоми десак, республика мизнинг ҳуқуқлари қават ташлаш борасида чекланган. Субсидиямиз муддати тугамасидан олдин тезроқ ўй топшишимиз зарур. Ҳозир ягона ташвишишим ўй.

Вазиятга ойдинлик кириши мақсадида Курилиш вазирлиги ахборот хизмати билан боғландик. Саволаримиз билан танишкан, ахборот хизмати раҳбари Сайдносир Усмонов «Субсидия асосида уй беринши Курилиш вазирлиги назорат қўйлади, қолаверса, уйларнинг қимматлиги факат Курилиш вазирлигининг муммоми эмас. Курилиш материаллари ниҳоятда қиммат, мана шу омиллар сабаб ӯйларнинг нархи осмонда» дейя жавобни берди.

– Кўй ўйлардан бери кўп қаватли уй куриб сотамиш, – деди исми сир қолиниши истаган тадбиркор. – Кунига ўнлаб инсонлар кўнғироқ қилиб, «Субсидияга уй борми? деб сўрайди. Тадбиркор сифатida

айта оламанки, субсидия асосида уй сотишнинг бизга ҳеч қандай зарари ўй. Аммо уй оломочи бўлганлар битмаган ўйга кадастр хужжатларини сўрайди. Кадастри ўй уйларни олиш субсидия тизимида кирилмаган. Уйларимиз битиб, кадастр хужжатларни тайёрларидан уй топши амримаҳол. Тошкентнинг энг чекка ҳудудларидан субсидия асосида олиш мумкин, аммо харидорнинг ҳуқуқлари қават ташлаш борасида чекланган. Субсидиямиз муддати тугамасидан олдин тезроқ ўй топшишимиз зарур. Ҳозир ягона ташвишишим ўй.

Мақола ёзиш жараёнидан олҳуз сайтидаги эълонларни ҳам кузатдим. «Накдга, кредитга, бўлиб тўлашга уйлар сотилиди. Субсидияга ўй» деган юзлаб эълонлар билан танишдим. Кўзга кўринган тадбиркорларнинг ҳам биттаётган уйлари субсидия асосида сотилмайди. Компания менежерлари билан гаплашсан, субсидия асосида ўй ўй, деган узил-кесил жавобни берishi. Ҳатто яқин-яқинча Сергелидан субсидия асосида уй олиш имконияти бўлган экан. Афсуски, айни пайдада ахолидан шу имкониятни ҳам ўй.

Умуман олганда, ижтимоий тармоқлар орқали ҳам «Субсидиямиз кўйиб кетди» деган хабарларга тез-тез кўзимиз тушган. Бизни қизиқтираётгани 2022-2023 йилларда субсидия бўлса-да, қанча аҳоли уй ололмаган? Субсидия миқдори билан уй бозоридаги тавофут ўрганилганми? Ўрганилган бўлса, нима учун субсидияси бўла туриб, уй ололмаётганлар сони ортмоқда? Бу саволларга мутасаддилар, хусусан, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг тегишили масъуллари ҳамдай жавоб берар экан?

Феруза РАҲИМОВА  
«ISHONCH»



## Орамиздаги одамлар



Азиза ИБРОҲИМОВА

ЎзЖОҚУ талабаси



МУАССИС:  
Ozbekiston  
kasaba  
uyushmalari  
Federatsiyasi

ISSN 2020-5002  
2007-yil 11-yanvarda  
Ozbekiston  
Matbuot va axborot  
agentligida  
116-raqam bilan  
ro'yhatga olingan.

«Ishonch» va  
«Ishonch-Dovorie»  
gazetalarini  
tahrir hayati:

Qadratilla RAFIQOV  
(tahrir hayati raisi),  
Ulug'bek JALMENOV,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfulllo AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEIDLIOV,  
Qutlimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqosim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIRIMQULOV,  
Nodira G-OYIBNAZAROVA,  
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning  
birinchi o'rinosari),

Mehriddin SHUKROV  
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK  
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Dovorie»)

Bosh muharrir  
Husn ERMATOV

Bo'lmlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti –

(71) 256-64-69